

**ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ
СИФАТИДА: ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНСИЯЛАР ВА
ИСТИҚБОЛЛАР**

Оминахон АБАБАХРИЕВА,

Туризм (зиёрат туризми) 3-курс талабаси,

Камолiddин ЖАҲОНГИРОВ, *стажор ўқитувчи,*

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

э-маил: kamoliddin6564@gmail.com

Тел. мобил: (97) 765-65-64

Аннотация: Мақолада бугунги кунда туризмнинг жаҳон бозоридаги роли ҳамда иқтисодий ривожланишнинг драйвери сифатидаги аҳамиятини унинг турли соҳаларга кўп қиррали таъсири баён қилинган. Шунингдек, жаҳонда ҳамда Ўзбекистонда туризмнинг асосий кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар таҳлили кўриб чиқилган. Хулоса ўрнида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун хорижий тажрибага асосланган стратегиялар кўриб чиқилган ҳамда туризм инфратуризмаси билан боғлиқ муаммолар бўйича таклифлар келтирилган.


Калит сўзлар: Драйвер, инфратузил, инвестиция, прадиigma, тенденция, глобаллашув, инновация, сайёҳлик сектори, меҳмондўстлик, туризм индустрияси, сайёҳлик платформалари, барқарор туризм, стратегия, модернизация, маркетинг.

Замонавий дунёда туризм кўплаб мамлакатлар учун иқтисодий ривожланишнинг ажралмас омилига айланиб, миллий иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантиришда асосий рол ўйнайди. Туризмни иқтисодий ривожланишнинг драйвери сифатидаги аҳамиятини унинг турли соҳаларга кўп қиррали таъсирида кўриш мумкин: иш ўринлари яратиш ва даромадларни оширишдан тортиб инфратузилма ва маданий объектларга инвестицияларни рағбатлантиришгача [3].

Туризмни ривожлантиришнинг замонавий прадигмасида асосий
www.tadqiqotlar.uz *11-to'plam 2-son sentabr 2024*

тушунчалар ва тенденциялар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Туризм шунчаки дам олиш тури бўлиб қолишдан тўхтади ва бошқа халқлар маданияти, тарихи ва турмуш тарзини ўрганиш воситасига айланди, бу эса мамлакатлар олдига янги муаммо ва вазифаларини қўймоқда. Глобаллашув ва технологик инновацияларни ҳисобга олган ҳолда, туризм саноати сайёҳларни жалб қилиш ва ушлаб туришга мослашишга интилоқда [4]. Бу жараён нафақат ривожланиш учун янги имкониятлар яратади, балки барқарорликни таъминлаш, маданий меросни асраб авайлаш, иқтисодий манфаатлар ва атроф-муҳитга таъсир ўртасидаги мувозанат масалаларини ҳам кўтаради.

Айни вақтда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, туристлар сони ва туризм даромадлари ҳажми бўйича барқарор ўсишни кўрсатмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, халқаро туристлик саёҳатлар сони мунтазам равишда ўсиб бормоқда, ҳар йили миллиардлардан ошади ва кейинги йилларда янада ўсиши кутилмоқда.



1-расм. 2005 йилдан 2023 йилгача халқаро туристлар сони [6]

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида туризмнинг ўрнини баҳолаб бўлмайди. Биринчидан, туризм сайёҳлик секторининг ўзида ҳам, меҳмондўстлик, транспорт ва маҳаллий тадбиркорлик каби тегишли соҳаларда ҳам кўп сонли иш ўринларини яратади. Иккинчидан, туризм индустрияси уй хўжаликлари даромадларини ва мамлакатлар бюджетларига

солиқ тушумларини оширишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестицияларни рағбатлантиради.

Туризм соҳасида унинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор технологик ва ижтимоий-маданий тенденциялар мавжуд. Хусусан, рақамлаштириш ва интернетдан фойдаланиш онлайн брон қилишнинг кўпайишига, сайёҳлик платформалари ва хизматларинининг ривожланишига, саёҳатлар ва туристик диққатга сазовор жойлар ҳақидаги маълумотларни яхшиланишига олиб келади. Ижтимоий-маданий тенденциялар, масалан, экологик барқарор туризм, тажриба учун саёҳат ва маҳаллий ўзига хос маданиятга бўлган қизиқишни ортиши ҳам сайёҳлар томонидан янги талаб ва умидларни келтириб чиқармоқда ҳамда жаҳон амалиётида туризм бизнесни ривожлантириш стратегияларига таъсир кўрсатмоқда [1].

Туризмни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий жиҳатларидан бири бу инфратузилмага сармоя киритиш ва туристик объектларни ривожлантиришдир. Бунга меҳмонхоналар, транспорт тармоқлари, аттракционлар, кўнгилочар мажмуалар ва бошқа инфратузилмаларни қуриш ва модернизация қилиш киради. Хорижий мамлакатлар сайёҳлар учун қулай ва жозибадор шароитлар яратишга интиломоқда. Бу эса ташриф буюрувчилар сони ва уларни қониқиш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Кўплаб хорижий мамлакатлар туризмни ривожлантиришнинг бошқа минтақалар учун намуна бўлган муваффақиятли намуналари кўрсатилмоқда. Мисол учун, Таиланд ўзининг самарали маркетинг компаниялари ва туристлар учун инфратузилмани ривожлантириш билан машҳур, бу эса ташриф буюрувчилар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Испания ўзининг ноёб табиий мероси ва фаол маркетинги туфайли машҳур сайёҳлик масканига айланди. Дубай инновацион лойиҳалари, ҳашаматли меҳмонхоналари ва кўнгилочар мажмуалари билан жаҳон сайёҳлик маркази сифатида муваффақиятли пайдо бўлди.

Ушбу мисоллар шуни кўрсатадики, маркетинг стратегиялари,

инфратузилма, инвестиция ва туризмни муваффақиятли бошқариш туризм саноатида ва умуман иқтисодиётда сезиларли ўсишга олиб келиши мумкин.

Ҳозирда туризм Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакат дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларнинг эътиборини тортадиган бой маданий ва тарихий меросга эга. Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг тарихий шаҳарлари, шунингдек, ноёб меъморий обидалар, жумладан, мадрасалар, масжидлар ва санъат устахоналари Ўзбекистоннинг асосий туристик, диққатга сазовор жойлари рўйхатига киради.

1-жадвал

Ўзбекистонда туризмнинг асосий кўрсаткичлари[5]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Хорижий туристлар	млн. нафар	2,03	2,69	5,35	6,75	1,5	1,88
2	Экспорт	млн. АҚШ доллари	430,7	531	1041,1	1313	260,9	422,1
3	Ички туристлар	млн. нафар	8,9	10,6	12,5	14,7	3,5	15
4	Чиқиш туризми	млн. нафар	3,8	5,2	8,6	8,4	2	2,2
5	Туризм соҳасида банд бўлганлар	минг нафар	170,9	187,6	201	260,1	201,3	210
6	ЯИМда туризмнинг улуши	фоиз	2,1	2,5	2,5	2,6	2,3	2,3

Бироқ, салоҳиятга қарамай, Ўзбекистон туризми бир қатор муаммоларга дуч келмоқда, жумладан, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, мамлакат ҳақида жаҳон миқёсида хабардорликнинг пастлиги, туризм маркетинги стратегиясининг заифлиги ва сайёҳлик сайтлари ҳамда хизматлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишнинг чекланганлиги.

Асосий муаммолардан бири ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш учун меҳмонхона, транспорт тармоғи ва туризм хизматлари каби инфратузилмани ривожлантириш зарурати ҳисобланади. Бундан ташқари,

маркетинг стратегиясини такомиллаштириш ва мамлакатнинг халқаро бозорда хабардорлигини ошириш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Келгусида Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси ва ўзига хос атмосфераси туфайли Марказий Осиёнинг етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айланиш имкониятига эга. Ушбу мақсадга эришиш учун инфратузилмани фаол ривожлантириш, туризм соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш, самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва сармоя жалб этиш ҳамда сайёҳлар сонини кўпайтириш бўйича халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш зарур. Шунингдек маданий меросни асраб-авайлаш ва барқарор туризмни ривожлантиришга эътиборни давом эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий давлатлар ва Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда туристларни жалб қилиш, туризм даромадларини кўпайтириш ва уларнинг маданий меросини тарғиб қилиш каби мақсадларни бир хилда қўйган. Бирок, хорижий мамлакатлар одатда ривожланган инфратузилма ва маркетинг стратегияларига эга, бу эса уларни жаҳон туризм бозорида янада рақобатбардош қилади[2].

Муваффақиятнинг умумий омиллари орасида сифатли инфратузилма, самарали маркетинг стратегиялари ноёб сайёҳлик маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, маданий меросни асраб-авайлашга катта эътибор қаратиш киради. Ҳар бир ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари табиий ресурслар, тарихий мерос, маданий ва анъанавий хусусиятлар ва иқтисодий ривожланиш даражасини ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун хорижий тажрибага асосланган қуйидаги стратегияларни ҳисобга олиш мумкин:

- инфратузилмани ривожлантириш: туристларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун меҳмонхоналар, транспорт тармоқлари ва бошқа инфратузилма объектларига инвестицияларни йўналтириш;
- маркетинг стратегиялари: туристик диққатга сазовор жойларни

тарғиб қилиш ва турли мамлакатлардан мақсадли аудиторияни жалб қилиш учун самарали маркетинг компанияларини ишлаб чиқиш;

– маданий меросни асраб-авайлаш: Ўзбекистон тарихи ва маданиятига қизиқувчи сайёҳларни жалб қилишга ёрдам берадиган мамлакатнинг ноёб маданий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш алоҳида эътибор қаратиш.

Ушбу стратегияларни мослаштириш ва қўллаш орқали Ўзбекистон ўзининг туризм кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаши ва халқаро сайёҳлар учун жозибadorлигини ошириши мумкин. Бироқ, бу соҳада ўзининг тўлиқ, саёҳатларига эришиш учун Ўзбекистонда туризмнинг ривожланмаган инфратузилмаси, самарасиз маркетинг стратегияси ва жаҳон миқёсида мамлакат ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти чекланганлиги каби қатор муаммоларни енгиб ўтиш зарур. Булар қуйидагилар:

1. Инфратузилмани ривожлантириш: Туристик тажрибани яхшилаш учун меҳмонхоналарни жойлаштириш, транспорт тармоқлари ва бошқа инфратузилмаларга сармоя киритишни давом эттириш.

2. Маркетинг стратегияри: Ўзбекистоннинг туристик диққатга сазовор жойларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун самарали маркетинг компанияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Маданий меросни асраб-авайлаш: Ўзбекистон тарихи ва маданиятига қизиқувчи сайёҳларни жалб қилишга ёрдам берадиган мамлакатнинг ноёб маданий меросини сақлаш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

Ушбу тавсиялардан фойдаланиш Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини очиш, жаҳон туризм майдонида рақобатбардош ўйинчига айланиш ва мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Astanaqulov O., Sohibova, M. (2023). Xalqaro turistik xizmatlarning rivojlanishi dinamikasi va tendensiyalarining tahlili. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(5), 346–353.

2. Astanaqulov O., G'oyipnazarov S. (2022). "Turizm 4.0": "Sanoat 4.0"

- texnologiyalarni turizm sohasida qo'llash imkoniyatlari: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a51. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(3), 330–337. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a548.
3. Gursoy, D., Malodia, S., & Dhir, A. (2022). The metaverse in the hospitality and tourism industry: An overview of current trends and future research directions. *Journal of Hospitality Marketing & Management*, 31(5), 527-534.
 4. Suyunchaliyeva, M., Shedenova, N., Kazbekov, B., & Akhmetkaliyeva, S. (2020). Digital economy: Information technology and trends in tourism. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04029). EDP Sciences.
 5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan. (<https://stat.uz/uz/>).
 6. <https://www.statista.com/statistics/186743/international-tourist-arrivals-worldwide-by-region-since-2010/>.